Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 25-dekabr. Seshanba • 153-154 (31.586) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Парламент назорати





Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ

## тизимлари ривожлантирилиши, қонунлар ижроси таъминланиши керак

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси ва «Ўзбекистонда электрон тижорат тизимини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар» тўғрисида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, шунингдек, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси ва «Ўзбекистонда электрон тўловлар тизимини ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар» тўғрисида Марказий Банкнинг ахборотлари тингланди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба дам олиш кунлари мос равишда 2012 йил 31 декабрь душанба ва 2013 йил 2 январь чоршанба кунларига кўчирилсин;

2012 йил 29 декабрь шанба ва 30 декабрь якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 24 декабрь.*

Давра суҳбати




# ОБОД ТУРМУШ — ОБОД МАҲАЛЛА — ФАРОВОН ҲАЁТ

**МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН 2013 ЙИЛНИ «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИГА ЖАМОАТЧИЛИК ЎЗ ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРМОҚДА.**

Таҳририятимизда ташкил этилган Давра суҳбати ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, тиббиёт ходимлари, маҳалла фуқаролари йиғини раислари ҳамда иқтидорли ёшларимиз вакиллари иштирок этди.

⇨ 3

Тадбир

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД-ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ФУҚАРОЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ. УНДА ДЕПУТАТЛАР, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ, АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ АЪЗОЛАРИ, ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

# ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

## кафолатлари таҳлил қилинди

Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича самарали тизим шаклланган. Бу борада амал қилаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Адвокатура тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида», «Нотариат тўғрисида»ги, шунингдек, бошқа қонунлар мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Бу ҳуқуқий ёрдам олиш бўйича фуқароларнинг қонуний манфаатлари таъминланишига, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази мутахассислари ва бошқалар шу ҳақда фикр-мулоҳаза билдирди.

Таъкидландики, қонунчиликка биноан давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар мурожаатларида кўтарилган масалалар юзасидан тушунтириш беришлари, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари лозим. Президентимизнинг 2011 йил 23 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш вазифаси адлия органлари зиммасига юклатилган.

Қўмита аъзолари ва ҳуқуқшунос мутахассислар фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ муҳим масалалар, бу борада эътиборни кучайтириш талаб этилаётган жиҳатлар ва мутасадди идоралар олдида турган вазифалар бўйича фикр алмашишди.

Давра суҳбатида тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиши инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш институтини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлгани қайд этилди.

**(Ўз мухбиримиз.)**

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

# АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ

## депутат фаолияти самарадорлигини белгилайди

БУГУН ДЕПУТАТДАН АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАШАББУС КЎРСАТИШ, ОДАМЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА МУНТАЗАМ ИЗЛАНИШ, ЕЛИБ-ЮГУРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАЁТИР. ДЕПУТАТНИНГ ФАОЛ ВА ЖОНКУЯР БЎЛИШИ ЖОЙЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ, УЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ВА ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИ ОҚЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар шу маслак асосида иш тутишга ҳаракат қилмоқда. Бунга халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари фаолияти ёрқин мисол бўла олади. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ишларига, айниқса, депутатлик гуруҳи раҳбари Боғибек Қосимов муносиб ҳисса қўшмоқда.

У туман Кенгаши депутатлигига 19-Ишчи сайлов округидан сайланган. Ўз бурчига масъулият билан қараши, сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни яхши билиши туфайли уларни ижобий ҳал этишга эришмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Иқтисодиёт

# КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ — ЭКСПОРТГА

МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲИСОБИГА МАҲСУЛОТ ТУРИНИ КЎПАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА БУ БОРАДА ОЛТМИШДАН ЗИЁД ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Бешариқ туманидаги «Бешариқтекстил» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ўтган давр мобайнида модернизация ишлари олиб борилиб, у замонавий технологиялар билан тўлиқ жиҳозланди. Хорижнинг замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилди. Юртимизда етиштирилган пахта толасидан халқаро талабларга мос сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 850 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

Айни кунда корхонада 500 турдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир.

— Корхонамиз йилига 7 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга, — дейди қўшма корхона бош директори Рустамжон Пўлатов. — Жамоамиз 1 миллион 885 минг дона эркаклар, аёллар, болалар ёзги ва қишки либослари ҳамда спорт кийимлари тайёрлади. Маҳсулотларимиз сифати жаҳон талабларига жавоб бериши боис, хорижий давлатлардан ҳам буюртмалар кўпаймоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 25 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2620,31 | 1 Дания кронаси | 350,65 | 1 Хитой юани | 318,34 | 1 Туркия лираси | 1105,54 |
| 1 АҚШ доллари | 1984,00 | 1 БАА дирҳами | 540,17 | 1 Украина гривнаси | 248,22 | 1 Швейцария франки | 2165,47 |
| 1 Россия рубли | 64,58 | 1 Миср фунти | 321,66 | 1 Малайзия ринггити | 647,52 | 10 Жанубий Корея вони | 18,47 |
| 1 Австралия доллари | 2062,96 | 1 Исландия кронаси | 15,58 | 1 Польша злотийси | 642,74 | 10 Япония иенаси | 235,27 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3206,94 | 1 Канада доллари | 1996,38 | 1 СДР | 3060,20 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Спорт

• «FAIR PLAY» СОВРИНИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

4-бет

Парламент назорати

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ

## *тизимлари ривожлантирилиши, қонунлар ижроси таъминланиши керак*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йиғилишда, аввало, электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас қисмига айлангани, соҳа равнақи учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб берган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг ижросини таъминлаш тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари, умуман, давлат ва жамият зиммасидаги муҳим вазифа экани айтиб ўтилди.

Таъкидлаш керакки, **замонавий иқтисодий ривожланиш жараёнида** ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. **Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, харидор ва истеъмолчилар ўртасидаги ҳуқуқий-молиявий муносабатларни юқори даражага кўтариш, унинг тезкорлиги ҳамда хавфсизлик кўрсаткичини ошириш, бунда электрон тижорат ва электрон тўлов тизими ривожланишига эришиш** муҳим масаладир.

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ахборотига кўра**, мамлакатимизда ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими, автотранспорт воситалари ва транзит товарларни автоматик тарзда назорат қилувчи ягона тизим жорий қилиниб, электрон тарзда декларация қилиш портали яратилган.

Ўзбекистон экспортчиларининг Интернетдаги портали — «Exporter.uz» ишга туширилган бўлиб, бугунги кунда унга 1600 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг 6 мингга яқин маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган. Улгуржи савдонинг 40 фоизи биржа савдолари орқали электрон шаклда амалга оширилаяпти.

**«Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонун ижроси ва Ўзбекистонда электрон тўловлар тизимини ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига қаратилган Марказий Банк ахборотида кўрсатилишича,** республикамизда «Uzkart» банклараро тўлов тизими жорий қилинган. 30 та тижорат банкларининг тўлов тизимлари бирлаштирилган ҳолда, микрочип модулли банк карталари бўйича тўловлар амалга оширилмоқда.

Банклар томонидан масофадан туриб турли хил замонавий банк хизматлари кўрсатилаяпти. Жорий йилнинг январь ойида пластик карточкалар сони 8 миллион 270 мингдан ортиқни ташкил этган бўлса, шу йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, банк пластик карточкаларининг сони 8 миллион 680 мингдан ошган. Мазкур даврда савдо терминаллари 99688 дан 112661 тага ўсиб, банк киоскалари сони 1082 тага етди. Банкларнинг масофадан туриб ҳисоб рақамларни бошқариш билан боғлиқ ишларида ижобий натижалар кузатилиб, 2012 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига асосан Ўзбекистонда «Интернет-банкинг» фойдаланувчилари 36144, «СМС-банкинг» хизматидан фойдаланувчилар эса 44568 тани ташкил этган.

Қўмита йиғилишида «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, шунингдек, Марказий Банк ахборотлари атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистонда электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини ривожлантириш, бу борадаги долзарб вазифалар бўйича Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, Марказий ва тижорат банклари мутасаддилари ва мутахассислар фикр алмашишди.

Таъкидландики, хўжалик юритувчи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат ва электрон тўлов имкониятларидан самарали фойдаланиши тижорат ишида ҳамкорлар топиш, шартномалар тузиш, ташқи бозорга тезкор чиқишда кенг имконият яратиб бермоқда. Бундан кейин ҳам мутасадди вазирлик ва ташкилотлар электрон тижорат ва электрон тўловни ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида улардан фойдаланиш имкониятини яратиш масалаларига эътиборни янада кучайтириши, бу жараёнда қонунчиликда кўзда тутилган меъёрлар таъминланиши зарур. **Бу миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги ошиши, шунингдек, дунё иқтисодиётига фаол интеграциялашишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб турибди.**

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда соҳани ривожлантириш билан боғлиқ мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаётгани қайд этилди. Хусусан, электрон тижорат моделлари етарлича ривожланмагани, электрон тижоратда давлат органлари иштироки сустлиги, **Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, банк ҳамда божхона томонидан электрон шаклда тузилган шартномаларни қайд этиш, мониторинг ва назорат қилиш йўлга қўйилмагани**, **маҳаллий товарларнинг электрон паспорти бўйича давлат стандартлари ишлаб чиқилмагани**, электрон рақамли имзо бўйича ишончли (учинчи) томоннинг ягона маркази яратилмагани, соҳада мутахассис тайёрлаш, «онлайн» терминал инфратузилмасини янада ривожлантириш, электрон тижоратни суғурталашни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар қизғин таҳлил қилинди.

Йиғилишда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари қонунлар ижросидаги хато-камчиликларни бартараф этиш, соҳани тараққий топтириш бўйича қатор тавсиялар билдирди. Жумладан, **электрон тижорат ва электрон тўлов тизимининг иқтисодий ва технологик асосларини takомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни белгилаш,** соҳада фаолият юритувчи субъектларга солиқ имтиёзлари ва бошқа қонуний енгилликлар бериш, электрон тижоратнинг Интернет платформасини давлат миқёсида изчил ривожлантириш ва уни халқаро платформалар билан интеграциялаш, «товарларнинг электрон паспорти» давлат стандартларини қабул қилиш, ахборот тизимлари ва молиявий тўловлар махфийлигини таъминлаш, тизимни такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни миллий ва хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш тавсиялари берилди.

Қўмита аъзолари — Қонунчилик палатасидаги фракциялар вакиллари сиёсий партияларнинг Сайловолди платформалари ва ҳаракат дастурларидан келиб чиқиб, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз нуқтаи-назарларини маълум қилди.

**Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари ахборот коммуникация технологиялари соҳасида давлатнинг ижтимоий аҳамиятга эга ахборот ресурсларига қонунчиликка мувофиқ оммавий уланишни таъминлаш, бу борада тегишли инфратузилмани ривожлантириш, ахборотлаштириш воситалари, ахборот маҳсулотлари ва хизматлари мониторинги ҳамда таҳлилини ўтказиш, унинг натижаларини мунтазам таҳлил қилиб бориш орқали муайян чораларни белгилаш, шунингдек, ахборотлаштириш соҳасида стандартлаштириш, сертификациялаш ва лицензиялаш тизимларини ривожлантириш лозимлигини таъкидлади.**

— ЎзХДП дастурида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, бунда аҳолига ҳар томонлама қулай шароит яратишни кўзда тутиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова.** — Маълумки, электрон тижорат ва электрон тўлов тизимининг замон талаблари даражасида ривожланиши, нафақат шаҳарлар, шу билан бирга, олис ҳудудларда ҳам улардан фойдаланиш имконияти яратилиши аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ортишига хизмат қилади. Шу боис фракциямиз электрон тижорат ва электрон тўлов тизимини мамлакат миқёсида изчил ривожлантириш чораларини белгилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идора-ташкилотлар масъулиятини ошириш муҳим, деб ҳисоблайди.

Қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Марказий Банкнинг ахборотлари маъқулланиб, муҳокама этилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

# АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ

## *депутат фаолияти самарадорлигини белгилайди*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Сайловчилар билан бўлган учрашувларда туман марказий йўллари ҳолати яхши эмаслиги, 50,3 км узунликдаги кўчалар таъмирталаб ҳолга келгани ҳақида мурожаат тушди, — дейди депутат. — Йўлларнинг ҳолати мутахассислар ёрдамида атрофлича ўрганилгандан сўнг, уни таъмирлаш масаласида вилоят молия бошқармасига ва бошқа тегишли ташкилотларга мурожаат қилдим. Натижада туманимиздаги «Пичоқчи» қишлоғининг «Гулистон» мавзеси, «Саноат» қишлоғидаги «Боғдор» маҳалласи, «Муҳаммон» қишлоғидаги «Янги ҳаёт» маҳалласи ички йўллари таъмирланди.

Молия бошқармаси ва мутасадди ташкилотларга яна бир масала — кўчаларни тунги ёритишда юзага келаётган муаммони ижобий ҳал этишда ёрдам бериш бўйича мурожаат этилди. Депутатнинг ташаббуси қўллаб-қувватланиб, ёритиш масаласи «Хоразмчироқ» корхонаси кўмаги билан ўз ечимини топди.

Ҳазорасп шаҳарчасидаги «Нурли йўл» кўчасида жойлашган 250 квт.лик электротрансформатор 1965 йилда ўрнатилган. Унинг қуввати 150 га яқин хўжаликнинг фойдаланишига етади. Айни пайтда ҳудудда 550 дан ортиқ хўжалик бўлиб, уларда 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаяпти. Табиийки, мавжуд трансформатор кўп сонли аҳолининг электр энергияга бўлган талабини қондира олмаяпти. Бу масалани ҳал қилишни кўриб чиқиш юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси раҳбариятига депутат томонидан қилинган мурожаат эътиборсиз қолмади. Ҳозирда электр энергияси таъминотини яхшилаш, кам қувватли трансформаторни алмаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, депутат Боғибек Қосимов сайловчилар талаби асосида жорий йилнинг август ойида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига «Тошкент — Шовот» йўналишидаги 57-сонли поезднинг туман ҳудудида тўхтаб ўтишини таъминлаш масаласида мурожаат қилган эди. Бу станция нафақат Ҳазорасп туманига, балки Питнак шаҳри ҳамда қўшни Боғот туманининг 300 минг аҳолисига хизмат кўрсатади. Тошкент ва шу томондан келаётган айрим йўловчилар Урганч станциясида тушиб, уйларига бориш учун 100 километрдан ортиқ масофадан ортга қайтиб келишга мажбур бўларди. Бу эса аҳолига ноқулайлик туғдирар, ортиқча вақт ва пул сарф этиларди. Депутат мурожаати асосида бу муаммо ҳал этилиб, аҳолининг узоғи яқин, мушкули осон бўлди.

Йил бошидан буён аҳоли вакилларидан унга 30 га яқин мурожаат тушди. Уларнинг барчаси батафсил ўрганилиб, асослиларига тегишли идора ва ташкилотлар орқали ёрдам кўрсатилмоқда, масала ҳал этилмоқда.

Боғибек Қосимов фаолияти мисолида шуни айтиш мумкинки, депутат амалий ишлар билан шуғулланса, одамлар унга ишонади ва суянади. Унинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг ҳам аҳоли ўртасидаги обрўси ошади.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА

## хотин-қизлар иштирокини кучайтириш — долзарб масала

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИДА ШУ МАВЗУДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ МУТАХАССИСЛАРИ, МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ФАОЛЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.





Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Семинарда таъкидландики, 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши «Мустаҳкам оила йили»да амалга оширилаётган эзгу ишларни изчил давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Семинарда якунланаётган йил сарҳисоби, келгуси йил режалари хусусида электорат вакилларининг фикри ўрганилиб, қонунчиликда улар учун белгиланган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев.** — Эътироф этиш жоизки, аёлларимизнинг ижтимоий фаоллиги, жамият тараққиётидаги таъсир кучи тобора ошиб бормоқда. Ижтимоий ҳимоянинг устувор шарти ҳисобланадиган бандлик масаласида партия ташкилотлари томонидан олиб борилган ишларда партиямиз сафидаги аёллар фаол иштирок этди. Хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини таъсирчан ўтказишда уларнинг иштироки муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис тадбиркорлик соҳасига аёлларни кенг жалб этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришга қаратилган ишларни келгуси йилда ҳам мунтазам олиб бориш зарур.

Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастуридан ўрин олган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб қилиш ҳамда бошқа ижтимоий масалаларни ҳал қилишни кучайтириш долзарб вазифамиз ҳисобланади. Шу боис кўпроқ амалий семинарлар ўтказиб, жамоатчилик, электорат вакилларидан фикр, таклиф олишга эътибор қаратишимиз керак.

Таъкидлаш керакки, семинарга тайёрланиш жараёнида Юқори Чирчиқ туманидаги айрим маҳаллаларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ўрганилди. Маҳаллаларда янги иш ўринлари ташкил этиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий саводхонликни юксалтиришга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига мазкур маҳаллаларда яшовчи хотин-қизлардан жорий йилда 20 та мурожаат тушган. Уларнинг 18 таси тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этилган, 2 таси айни пайтда ўрганилмоқда.

— Олмалиқ шаҳар тиббиёт коллежини тамомлагач, туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига иш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилдим, — дейди **Наргиза Абдурашидова.** — Мурожаатимни халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари ўрганиб, бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этди. Яқинда туманимиздаги марказий шифохонага мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим.

Тадбир якунида Обод турмуш йилида жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мавқеи, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳар бир уйнинг бекаси ҳисобланган аёлларга муносиб шароит яратишдек муҳим йўналишлардаги ишларда «Фаол аёллар» қаноти иштирокини кучайтириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

**Ижтимоий ҳимоянинг устувор шарти ҳисобланадиган бандлик масаласида партия ташкилотлари томонидан олиб борилган ишларда партиямиз сафидаги аёллар фаол иштирок этди. Хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини таъсирчан ўтказишда уларнинг иштироки муҳим ўрин тутмоқда.**

**Алишер РАВШАНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати ходими.**

ЎзХДП ҳаётидан

ЎзХДП НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ КАРМАНА ТУМАН КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИДА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗДИ. УНДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЕТАКЧИЛАРИ ҲАМДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

# МАСЪУЛИЯТ ВА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида барчамизнинг ҳаракат ва интилишларимиз негизида авваламбор, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам, дея таъкидлаб ўтди.

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб номланиши ана шу ишларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, деди давра суҳбатида сўзга чиққанлар. Обод турмуш тарзини шакллантириш ва таъминлаш ЎзХДП дастурий-мақсадларига ҳамоҳанг бўлгани боис, мазкур йўналишдаги эзгу ишларда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Депутатлик гуруҳлари аъзоларининг электорат манфаатлари ҳимояси йўлидаги масъулияти ва бирдамлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди.

— Ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади,— дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов.** — Шунинг учун бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлаш, тизимни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш, бу жараёнда фракция ва маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим. Бу қонунлар ижросини тизимли назорат қилиш, ҳудудларда ечимини кутаётган масалалар, электоратни ўйлантираётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим омил бўлади.

Тадбирда қишлоқ уй-жойлари, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда қатъий ва талабчан фаолият юритишга келишиб олинди.

**Илҳом САТТОРОВ**

Давра суҳбати

# ОБОД ТУРМУШ — ОБОД МАҲАЛЛА — ФАРОВОН ҲАЁТ

*Газетамиз Бош муҳаррири С.Остонов давра суҳбати аввалида кириб келаётган Янги — 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб номлашдан кўзда тутилган эзгу мақсадлар ҳақида тўхталди. Бугун зиммамизда иккита муҳим вазифа турибди, дея таъкидлади у. — Биринчиси — Обод турмуш тарзининг аҳамияти ва моҳиятини кенг тарғиб қилиш, иккинчиси — қабул қилинадиган Давлат дастурига таклифлар билдириш. Бу вазифалар ижросида қатнашиш ҳар биримизнинг фуқаролик позициямизни ҳам намоён этади.*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*



**Муножот НУРМАТОВА, Республика байналминал маркази директори ўринбосари:**

— Авваламбор, обод турмуш деганда, мен миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатликни тушунаман. Чунки диёримиздаги осойишталик, тараққиёт, барқарорлик кўп жиҳатдан 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзаро тотувлиги ва ҳамжиҳатлигига бевосита боғлиқ. Миллатлараро тотувлик масаласи шахсан Юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида эканлигини таъкидлаш керак. Вазирлар Маҳкамасининг бир йиғилишида Президентимизнинг юртда тинчлик ва миллатлар ўртасидаги тотувликни таъминлашга ҳамма масъул, у билан шуғулланишга ҳар доим имкон топинглар, дея жон куйдириб гапирганларини эшитиб, қаттиқ ҳаяжонланганман.

Обод турмуш йили юзасидан қабул қилиниши керак бўлган Давлат дастуридаги муҳим вазифалар қаторига биринчи галда мамлакатда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласи қўйилгани ҳам бежизга эмас.

Жаҳоннинг кўпгина давлатлари Ўзбекистондаги миллатлараро тотувликни «ўзбек тараққиёт» моделининг бир кўриниши сифатида эътироф этаётгани фахрли, албатта. Бироқ тинчлик ва хавфсизлик билан чамбарчас бўлган ушбу масалага доим шундай бўлади, деб юзаки кайфият билан қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Чунки хавфсизлик масаласида майда-чуйда нарса бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиманки, минг афсус, ҳали ҳануз нафақат оддий фуқаролар, балки айрим раҳбарлар орасида ҳам бу ўткир масала аҳамиятини етарли тушунмаётганлар топилади.

Ҳаётда ўзим кўрган воқеалардан келиб чиқиб, шундай таклиф киритмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви академиясида ўқувларни ташкил қилишда бўлажак раҳбар кадрларга тинчлик қандай олий неъмат экани, уни сақлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисидаги сабоқларни кўпайтириш зарур, деб ўйлайман.

Қарийб 10 йилдан буён **«Ўзбекистон — умумий уйимиз»** деб номланган дўстлик фестивали юртимизда ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиб келинмоқда. Дастурда мазкур фестивални жамоатчиликни кенгроқ жалб этган ҳолда ташкил этиш белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай фестиваль миллатлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат туйғулари, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —



**Авлаёр БОБОНОВ, Республика маънавият-тарғибот маркази Маънавий-маърифий тарғибот бўлими бош мутахассиси:**

— Юқоридаги фикрларга қўшимча сифатида айтмоқчиманки, биз дунёда таълим тизими 7 тилда олиб борилаётган кам сонли давлатлардан бири саналамиз. Биргина шу ҳолат бизнинг қанчалик бағрикенг, байналминал халқ эканимизни исботлаб турибди.

Назаримда, Миллий марказларнинг ҳаёти, уларга мансуб фуқароларнинг юртимиз бунёдкорлигидаги фаол иштирокини кенг ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятидан янада унумлироқ фойдаланиш керак бўлади.

Энди, очиғини айтганда, ободлик, аввало, ўзбек халқининг қонида бор. Азалдан униб-ўсган жойини обод қилиб келаётган, шунингдек, борган жойини ҳам боғу бўстонга айлантирган халқмиз. Бу ободлик туйғуси, назаримда, тотувликнинг, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликнинг ҳам асосини ташкил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қадриятларни ёш авлод онгига сингдириш, болаларда озодаликка, ободликка кўникмани шакллантириш мақсадида мультфильмлар, миллий сериаллардан кенгроқ фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаб олиш керак. Бу маънавиятни юксалтиришга, обод турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —



**Мақсуд АСАДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош геронтологи, Тошкент тиббиёт академияси профессори, тиббиёт фанлари доктори:**

— Турмушнинг ободлиги аввало, соғликка боғлиқ. Агар кимдир бемор бўлса, оила аъзоларида ҳаловат йўқолади, кўнгилларига ҳеч нарса сиғмайди. Обод турмушнинг гарови — соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний ҳаракат, тўғри даволаш ва реабилитация, профилактика.

Ҳеч бир инсон эрта қариш ва кексайишни хоҳламайди. Эрта кексайишнинг олдини олиш, унинг нуқсонларсиз, ақлан соғлом ва жисмонан қувватли ўтиши омилларини илмий асослаш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода инсон умрини узайтириш ва фаол узоқ умр тиббиётини чуқурлаштиришга қаратилган ишларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Керак бўлса, шу йўналишда иш ва тадқиқот олиб бораётган олимларнинг бошини бир жойга қовуштириш керак.

Бугун юртимизда ташкил этилган Перенатал, Скрининг, ихтисослаштирилган Урология, Жарроҳлик, Кардиология марказлари самарали фаолияти билан ўзини оқламоқда. Шу маънода бир таклиф киритмоқчиман. Кексайиш, қариш, касалланиш замирида асаб таранглашиши, зўриқиш-стресслар ётиши барчамизга маълум. Бу борада Ўзбекистонда кўп профилли, замонавий диагностик ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган Асаб касалликлари илмий Маркази ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ушбу марказ ҳам юртдошларимиз умри узайиши ҳамда обод ва фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —



**Сотиволди БОБОҚУЛОВ, Тошкент давлат юридик институти хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор:**

— Маҳалла — ижтимоий ҳимоя маркази. Маслаҳатга ҳам, ёрдамга ҳам маҳаллага чиқилади. Масалан, маҳаллада бирон-бир ишнинг бошини тутмоқчи, лекин кимдан қандай маслаҳат сўрашни билмай вақтини зое кетказаётган кишилар ҳам топилади. Шу билан бирга, маҳаллада ўз касбининг устаси бўлган ҳуқуқшунос, молиячи, шифокор, ҳамшира ҳам яшайди. Уларнинг айримлари нафақада бўлиши мумкин. Бунинг устига дам олиш кунлари бор. Маҳаллада айнан уларнинг маслаҳати, ёрдамига муҳтожлик сезилади. Агар улар жамоатчилик асосида маҳалла ишларига жалб этилса, маҳалла аҳлига катта ёрдам бўларди. Уларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, назаримда, қийин эмас.

Мамлакатимизда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси кенг ривожланмоқда. Аммо узоқ, чекка қишлоқларда бу борадаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Қишлоқ жойларида турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мини нон заводи ва сутни қайта ишловчи заводларни ташкил этишни кун тартибига жиддий қўймоқ керак. Бу орқали аввало, янги иш ўринлари яратилади, қолаверса, аёлларимизнинг оғири енгил қилинади, энг муҳими, ҳудудлардаги аҳолининг турмуши янада обод бўлади, фаровонлашади.

Маҳалланинг нуфузини ошириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрнини янада кенгайтириш мақсадида маҳаллага, масалан, ҳунармандчилик, косибчилик каби ҳунарлар билан шуғулланадиганларни рўйхатга олиш ваколатини беришни ҳам ўйлаб кўриш керак, деб ҳисоблайман.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —



**Фарида ЖЎРАБЕКОВА, Янгийўл тумани «Мезон» маҳалла фуқаролари йиғини раиси, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати:**

— Инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳеч бир соҳа ёхуд фаолият тури йўққи, у маҳалла билан боғлиқ бўлмасин. Шундай экан, ҳар бир маҳалла ўз ваколатларидан тўғри ва тўлиқ фойдалана билиши керак. Мен раислик қилаётган маҳалла фуқаролари йиғинида 13 миллатга мансуб халқ яшайди. Илгари маҳаллада 120 та кам таъминланган оила нафақа олар эди. Ҳозирда уларнинг сони 10 тани ташкил этмоқда. Чунки улар доимий иш билан таъминланди, оилавий даромадлари кўпайди.

Юқорида юристимиз айтган таклифда жон бор. Маҳаллада юрист маслаҳати, психолог ва ҳамшира ёрдамига муҳтожлик доим сезилиб турилади. Ваҳоланки маҳалланинг ўзида улар яшайди. Пенсионерлари ҳам, вақтинча ишсизлари ҳам бор. Айниқса, тиббиёт коллежларини тамомлаган ёшлар оз эмас. Уларни маҳаллага бириктириш ва меҳнат дафтарчасини юритиш масаласини ҳал этиш керак. Аҳолининг ўзидан тушадиган ихтиёрий тўловлар ҳисобига ҳам уларни рағбатлантириш мумкин.

Ёш оилалар ўртасидаги келишмовчилик ва тушунмовчиликларни ҳал этишда психолог ёрдами жуда зарурлиги ҳам инобатга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.



**Дилбар ХОЛИҚОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини ошириш йўлида бекиёс ишлар амалга оширилди. Буни бутун дунё эътироф этмоқда. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар эса давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» тамойилларидан ўзига андоза сифатида фойдаланмоқда.

Президентимиз томонидан 2013 йил — «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши мустақиллик йилларида инсон манфаати йўлида амалга ошириб келаётган ишларимизни янги босқичга олиб чиқади.

Маълумки, оилалар мустаҳкамлиги, турмуш ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда аёлларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шуни эътиборга олган ҳолда, Давлат дастурига қуйидаги таклифларни киритмоқчиман. Авваламбор, Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қачон юрт тинч ва обод бўлади, қачонки, ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина, дея таъкидланган эди. Шу маънода, Обод турмуш йилида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Аёл — тинчлик тимсоли» номли лойиҳани амалга оширса, тинчликни қадрлаш ва мустаҳкамлашга амалий ҳисса қўшган бўлардик.

Шунингдек, фарзандларимиз тарбиясига эътиборни янада кучайтириш мақсадида ҳар бир маҳаллада, кейин эса туманларда, вилоятларда ва республикада комил фарзандларни тарбиялаган аёллар ўртасида «Менинг фарзандим — менинг бахтим!» кўрик-танловларини ўтказиш катта тарбиявий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, Обод турмуш йилида маҳаллани янада обод қилиш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тўла юридик шахс ҳуқуқини бериш масаласини ҳал этиш керак. Яъни ўзининг муҳри, банкда ҳисоб-рақами бўлиши қонун нормаларида белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

**Саодат НАСУЛЛАЕВА, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти 2-босқич талабаси, таэквонда бўйича халқаро спорт устаси:**



— Туғилган жойим — Бухоро вилояти Қаровулбозор шаҳарчаси. Чўл ўртасида барпо этилган гўзал ва обод маскан. У ерда футбол майдончасими, спорт залими, бассейн дейсизми, хуллас, биз ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз учун барча қулайликлар муҳайё. Бундай шароит бошқа жойларда ҳам яратилмоқда. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Лекин узоқ, чекка қишлоқлардаги мактабларда ва спорт мажмуаларида малакали жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва тренерлар етишмайди. Бундай ҳудудлардан олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетлари ёки жисмоний тарбия институтига ёшларни имтиёзли қабул қилиш тизими ишлаб чиқилса ва ўқишни тугатгандан сўнг улар ўз туманларига ишга юборилса, менимча, муаммо бартараф этиларди.

Ўзимга келсам, ўқишимни битиргандан сўнг туғилган жойимга бориб, ишламоқчиман.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

**Шаҳло МАҲКАМОВА, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисод фанлари номзоди:**



— Давлатимиз томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя тизими халқимиз руҳияти, миллий қадриятларимизнинг нозик томонлари инобатга олиниб, ишлаб чиқилгани эътиборли. Лекин шу билан бирга, бу борада жойларда камчиликларимиз оз эмас. Таклифим, ажратилган маблағларни мақсадли йўналтириш, адолатли тақсимлаш учун, назаримда, ҳудудларда маҳалла фуқаролари йиғини, манфаатдор жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар вакилларидан, керак бўлса, маҳаллий Кенгаш депутатларидан иборат жамоатчилик комиссиясини тузиш лозим. Агар ёрдамга муҳтож оилалардан тушган аризалар мазкур комиссия томонидан ҳам ўрганилиб хулосаланса, бу бир томондан, маҳалланинг аҳоли ўртасида нуфузи ошишига, иккинчи жиҳатдан, айрим МФЙ раисларининг ўзбошимчалик билан иш кўришларига барҳам беришга хизмат қилади.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

**Азиза ЯФАРОВА, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти 3-босқич талабаси, таэквонда бўйича халқаро спорт устаси:**



— Обод турмуш дегани, энг аввало обод маҳалла, обод оила дегани. Маҳаллада спорт майдончаси бўлмаса, уни обод деб бўлмайди. Спорт ёшларнинг иродасини тоблайди, уларни турли ёт иллатлар таъсирига тушиб қолишдан, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, чекишдан сақлайди. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Таклифим: ҳар бир маҳаллада оддий спорт майдончаларини барпо этиш масаласи қабул қилинаётган Давлат дастурига киритилса, минглаб спорт майдончалари барпо этилган ва миллионлаб болаларнинг соғлиги ҳамда тарбиясига хизмат қилган бўларди. Бунда Тошкент шаҳридаги амалий тажрибадан фойдаланиш мумкин.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —



**Бону АЗИЗОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, Тошкент архитектура-қурилиш институти 1-босқич талабаси:**

— Ёшлар, худди спорт каби санъатга, ҳунармандчилик ва тикувчиликка ҳам қизиқади. Шунинг учун ҳудудларда ушбу йўналишларда тўгараклар ташкил этилса, яхши бўлар эди. Обод турмуш йили, айниқса, биз — ёшларга катта масъулият юклайди. Дастурда «Ҳар бир ёшга — бир кўчат!» акциясини ўтказишни белгилаш айни муддао бўлар эди. Бу билан ёшларда ободлик ва она табиатга меҳрни мустаҳкамлаш билан бирга, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз қиёфасини янада кўркамлаштиришга ҳисса қўшар эдик.

— — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — — —

**Жаҳонгир МАЛЛАБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси «Маънавият-маърифат» маркази бош методисти:**



— Обод турмуш деганда, мен авваламбор огоҳлик ва масъулликни тушунаман. Чунки биз ютуқларимизни асраб, уни янада бойитсак ва эришилган муваффақиятларга масъулликни сезсаккина, турмушимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлади. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг асосий мақсадларидан бири ҳам оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, уларни иқтисодий жиҳатдан янада яхшилашга қаратилгандир.

Обод турмуш йилида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ёш оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, улар учун берилаётган имтиёзли, қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоизда истеъмол кредитини қоплашга йўналтириладиган даромадлари солиқ тўловидан озод қилишни таклиф этмоқчиман. Улар ушбу кредитлар эвазига оиласи учун уй анжомларини сотиб олиши натижасида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг харидоргирлиги ошишига ҳам хизмат қилади.

✧✧✧

*Шунингдек, Давра суҳбатида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими раиси ўринбосари Абдурашид Расулов, Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгаши депутати Зебо Ёдгорова ва бошқалар ҳам иштирок этиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.*

**Давра суҳбатини**
**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ёзиб олди.**

Спорт

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИ

## тақдири қитъа чемпионатида ҳал бўлади

**ДОҲА (ҚАТАР)ДАГИ «RITZ CARLTON» МЕҲМОНХОНАСИДА ПЛЯЖ ФУТБОЛИ БЎЙИЧА 2013 ЙИЛГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОСИЁ МИНТАҚАСИ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ. УНГА КЎРА, ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ МУСОБАҚАНИНГ «С» ГУРУҲИДАН ЖОЙ ОЛДИ.**

Ҳамюртларимиз кейинги «плей-офф» босқичига чиқиш учун Саудия Арабистони, Фаластин, Бирлашган Араб Амирликлари вакилларига қарши майдонга тушади.

Мазкур Осиё чемпионати баҳслари 2013 йилнинг 22-26 январь кунлари Доҳадаги «Katara Beach» стадионида бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувни 22 январь куни БАА вакилларига қарши ўтказса, орадан бир кун ўтиб, Фаластин футболчилари билан куч синашади. Гуруҳдаги охирги ўйин 24 январда бўлиб ўтади. Унда ҳамюртларимиз Саудия Арабистони терма жамоасига қарши баҳс юритади.

Мусобақанинг қолган уч гуруҳидан қуйидаги жамоалар жой олган:

**«А» гуруҳи:** Австралия, Уммон, Қатар

**«В» гуруҳи:** Баҳрайн, Япония, Ливан

**«Д» гуруҳи:** Хитой, Эрон, Ироқ.

Чемпионат низомига кўра, Осиё чемпиони ва яна икки совриндор жамоа 2013 йилнинг 18-28 сентябрь кунлари Таитида бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритади.

# «FAIR PLAY» СОВРИНИ КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?



Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизматининг билдиришича, ЎФФ Халқаро футбол уюшмаси(FIFA)нинг 2012 йил якунларига кўра, «Fair Play» «Ҳалол ўйин» совринини қўлга киритиши мумкин бўлган якуний учта номзод қаторига киритилди. Мазкур совринга номзодлар якуний рўйхатидан, шунингдек, Гватемала футбол федерацияси ҳамда Туркиянинг «Эскишеҳирспор» футбол клуби ўрин олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, поёнига етаётган йил давомида Ўзбекистоннинг барча терма жамоалари ва футбол клублари ОФК байроғи остидаги халқаро мусобақаларда энг кўп очко тўплади. Айниқса, 2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон футбол федерациясининг ОФК томонидан ҳам «Fair Play» соврини билан тақдирланганлиги эътиборлидир.

Эслатиб ўтамиз, FIFAнинг «Fair Play» соврини 1987 йилда таъсис этилган бўлиб, 2011 йилда мазкур мукофотни қитъадошларимиз Япония футбол уюшмаси қўлга киритган.

Навбатдаги мукофот 2013 йилнинг 7 январь куни Цюрих шаҳрида ФИФА турли номинациялар бўйича «Йилнинг энг яхшилари»ни тақдирлаш маросимида тантанали равишда ўз эгасига топширилади.

**Эркин ХОЛБОБО**

Тадбир



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

# «МУЗЕЙДАН ОЛГАН ТААССУРОТЛАРИМ»

## кўрик-танловининг ғолиблари тақдирланди

**ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН-БЕЛЬГИЯ ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «МУЗЕЙДАН ОЛГАН ТААССУРОТЛАРИМ» МАВЗУСИ БЎЙИЧА КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗДИ. УНДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ МУЗЕЙ ТААССУРОТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН «ЭНГ ЯХШИ ИНШО» ВА «ЭНГ ЯХШИ РАСМ» НОМИНАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ИШТИРОК ЭТДИ.**

Кўрик-танлов доирасида «Жаҳон хазиналаридаги Темурийларга оид жавоҳирлар», «Вақт ва инсон», «Бельгияни биласизми?» деб номланган ижодий ишлар кўргазмаси намойиш қилинди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Бельгия қироллигининг консули, Ўзбекистон Фанлар Академияси мутасаддилари, тарихчи олимлар, музейшунослар қатнашиб ўқувчилар билан мулоқот қилди. Пойтахтимиздаги мактабларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзоларининг чиқишлари ташкил этилди.

— Музейдаги қадимий ва ноёб экспонатларни кўриб, Соҳибқирон Амир Темур ҳаётини акс эттирувчи суратлар чизишни ният қилган эдим, – дейди **«Энг яхши расм» танлови ғолиби, пойтахтимиздаги 24-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ҳайитбой Ҳакимов.** – Чизган расмларимни кўрик-танлов ҳайатига топширдим. Улар юқори баҳоланганидан хурсандман.

Тадбир сўнггида барча танлов ғолибларига ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Альбина ЖУМАНОВА**

Шоҳмот

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

***Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида шахмат бўйича шаҳарлар жамоалари ўртасида жаҳон чемпионати бошланди.***

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ шафелигида ўтказилаётган мусобақада мезбонлар билан бирга Ўзбекистон, АҚШ, Англия, Австралия, Франция, Швеция, Греция, Туркия, Россия, Украина, Озарбойжон, Хитой, Ҳиндистон ва Қозоғистон каби 24 мамлакатнинг шаҳар жамоалари олти гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашмоқда. Гуруҳ босқичида биринчи ва



иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар плей-офф баҳсига йўлланма олади.

Жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини гроссмейстерларимиз — Марат Жумаев, Алексей Барсов, Сайдали Йўлдошев ва халқаро тоифадаги спорт устаси Андрей Квондан иборат Тошкент шаҳри жамоаси ҳимоя қилмоқда. Жамоамиз «В» гуруҳида Саратов (Россия), Птуж (Словения) ва Ченнаи (Ҳиндистон) жамоалари билан куч синашмоқда.

Мусобақанинг дастлабки партиясида вакилларимиз Ченнаи жамоасини 3,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу партияда М.Жумаев Н.Шиамни, А.Квон В.Ражешни, А.Барсов Н.Навалгундни мот қилган бўлса, С.Йўлдошев М.Карсикеян билан дуранг ўйнади. Жамоамиз иккинчи партияда Птужга имкониятни бой берди.

Гуруҳда иккинчи ўринда бораётган Тошкент шаҳри жамоаси учинчи турда Саратов жамоасига қарши дона сўради.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ХОРАЗМДА АДАБИЁТ КУНЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АДАБИЁТ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ. УШБУ НАФОСАТ БАЙРАМИ МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ВАКИЛИ МУҲАММАДРИЗО ОГАҲИЙ ТАВАЛЛУДИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АДАБИЙ-БАДИИЙ ТАДБИРЛАРГА УЛАНИБ КЕТДИ.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори миллий адабиётимиз равнақи йўлида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, улуғ аждодларимизнинг ижодий меросини ўрганиш ва улар юзасидан кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, асарларини нашр этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда маънавиятимиз ривожи йўлида самарали меҳнат қилаётган шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу саъй-ҳаракатларини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобир Алимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али, таниқли шоир ва драматург Эркин Самандар ва бошқалар миллий адабиётимизнинг бугунги ривожи ва эртанги истиқболи йўлида амалга оширилаётган ишлар туфайли миллий адабиётимиз ҳам янги-янги номлар билан бойиб, улар томонидан турли мавзуларда яратилаётган ижод намуналари халқимиз маънавий хазинасидан муносиб жой олаётганини таъкидлади.

Тадбир иштирокчилари Хива туманидаги Огаҳий уй-музейини зиёрат қилдилар.

Хоразм Маъмун академиясида «Огаҳий ижодий мероси – маънавиятимиз кўзгуси» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида ушбу даргоҳ раҳбари, биология фанлари доктори Рўзимбой Эшжонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Шуҳрат Ризаев, шоир, драматург Комил Аваз, Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов ва бошқалар шоир хотирасини абадийлаштириш борасидаги хайрли ишлар, Огаҳий ижодининг ўзбек адабиёти ривожида тутган ўрни, унинг асарларида халқимиз ҳаёти, урф-одат ва қадриятлари ифодаси ҳақида фикр юритдилар.

Урганч давлат университети талабалари билан учрашувда бугунги кун қалам аҳли олдига қўяётган долзарб вазифалар хусусида сўз борди. Тадбирда адабиёт намояндалари ва талабалар ўз шеърларидан намуналар ўқиди.

Тадбирларда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов иштирок этди.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қонун ҳимояси

# ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

**ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА ТУРЛИ МАВЗУЛАРДА МУРОЖААТ ҚИЛАДИ. ЖУМЛАДАН, КИМДИР ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАНИДАН НОРОЗИ, КИМДИР ИШ ҲАҚИ МАСАЛАСИДА ЁРДАМ СЎРАЙДИ, ЯНА КИМДИР МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОССИЗ БЕКОР ҚИЛИНГАНИДАН ШИКОЯТ ЁЗАДИ.**

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига жорий йил давомида фуқаролардан шунга ўхшаш мазмундаги икки юздан ошиқ шикоят ва ариза келиб тушган. Самарқанд халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ишчилари Н.Джаббаров, С.Махмудов, Т.Бердиев ва Ш.Искандаровлар иш ҳақи ва етказилган маънавий зарарни ундиришда ёрдам сўраган. Масалани ўрганиш натижасида уларнинг манфаатларини кўзлаб, жавобгардан жами 6 910 982 сўм иш ҳақи ва 200 000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво аризаси киритилди. Суд ҳал қилув қарорига мувофиқ даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Пахтачи туманидаги 43-умумтаълим мактаби ходими М.Кенжаев ва бошқаларнинг мактаб директорининг интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруғидан норози бўлиб бошқармага ёзган аризаси кўриб чиқилди. Натижада Пахтачи туман прокуратурасига мактаб директорининг мазкур буйруғини бекор қилиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига мувофиқлаштириш юзасидан протест киритиш тўғрисида таклиф юборилди. Туман прокуратураси томонидан протест киритилиб, буйруқ амалдаги меҳнат қонунчилиги талабига мослаштирилди.

Пастдарғом тумани, Чархин шаҳарчаси, Титов кўчаси, 4-уйда яшовчи фуқаро О.Сайдалиев Самарқанд «Автотеххизмат» ОАЖ томонидан унга носоз автомобиль сотилганлигидан норози бўлиб ариза ёзган. Унинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, мижоз билан жамият ўртасида тузилган шартноманинг 6.2-банди шартларини лозим даражада бажариш тўғрисида жамият бошқаруви раиси номига хат берилди. Самарқанд «Автотеххизмат» ОАЖ томонидан О.Сайдалиевга янги автомашина етказиб берилиб, мурожаат қаноатлантирилди.

Иштихон тумани «Агросервис фермерлар Маркази» ходими Ш.Сайдирасуловнинг мурожаатидан кейин аризачининг манфаатларини кўзлаб, жавобгар Иштихон тумани Агросервис фермерлар Марказига нисбатан жами 4 569 325 сўм иш ҳақини ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига ариза киритилди ва даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

**Бўлим томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга жами 19 та даъво аризаси киритилди ва судлар томонидан кўриб чиқилиб, улар тўлиқ қаноатлантирилди, фуқароларга 27.002.524 сўм ва маънавий зарар ундириб берилди.**

Аҳолининг мурожаатлари эътиборсиз қолмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончи улар ўз мурожаатларига адолатли жавоб олишларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

**Жонибек АМИНОВ,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

*иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун*



ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

**Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.**

*Иш вақти ҳар куни соат 10-00 дан 18-00 гача.*

**Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:**

**Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-А уй.**

ОБ-ҲАВО 25-26 – 12. 2012

Юртимиз бўйлаб (°С)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -5 / -10 | -3 / +2 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | -5 / -10 | -3 / +2 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | 0 / -5 | +3 / +8 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | 0 / -5 | +7 / +12 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | 0 / -5 | 0 / +5 |
| Тошкент шаҳри | 0 / -2 | +6 / +8 |

Дунё бўйлаб (°С)

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +12 |
| Париж | +12 / +11 |
| Москва | +7 / +6 |
| Мадрид | +15 / +13 |
| Пекин | +18 / +16 |
| Канберра | -2 / -4 |
| Рим | +15 / +16 |
| Афина | +15 / +16 |
| Токио | +25 / +24 |
| Стокгольм | +10 / +11 |
| Кейптаун | +9 / +9 |
| Қоҳира | +20 / +19 |
| Гавана | +23 / +23 |
| Вашингтон | +19 / +18 |

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши Ангрен шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Дадоматовга онаси **АДОЛАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Футбол маълумоти

# Рекордчи ЛИОНЕЛЬ МЕССИ

**ИСПАНИЯНИНГ «БАРСЕЛОНА» ФУТБОЛ КЛУБИ ВА АРГЕНТИНА МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ҲУЖУМЧИСИ ЛИОНЕЛЬ МЕССИ ЎТАЁТГАН ЙИЛ ДАВОМИДА РАСМИЙ УЧРАШУВЛАРДА 91 ГОЛ МУАЛЛИФИ БЎЛИБ, ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ.**



Футбол қироли, бразилиялик **Пеле 1958 йилда 75 та гол** урганди. Германия терма жамоаси ва Мюнхеннинг «Бавария» футбол клубининг афсонавий ҳужумчиси **Герд Мюллер** эса **1972 йилда 85 та гол** муаллифи бўлганди. Ўтган қирқ йил давомида ҳеч бир ҳужумчи бу рекорд яқинига ҳам келолмаган эди.

Ниҳоят, жорий йилда Месси тўпурарлик салоҳиятини намойиш қилиб, бу рекордларни янгилади. У йил давомида Испания чемпионатида рақиблари дарвозасига 59 та, Испания кубогида 5 та, Испания суперкубогида 2 та, Европа чемпионлар лигасида 13 та ва Аргентина терма жамоаси сафида 12 та тўп киритди. Айниқса, унинг Бразилия терма жамоаси дарвозасига бир ўйинда 3 та тўп киритгани кўпчиликнинг ёдида қолди.

Мессининг тўпурарлик иқтидорини таққослашингиз учун биргина мисол келтирамиз: Испаниянинг «Реал» футбол клуби ва Португалия терма жамоаси ҳужумчиси **Криштиану Роналду** жорий йилдаги расмий учрашувларда **62 та гол** муаллифи бўлди. Бу Мессининг рекордидан 29 та гол кам деганидир.

Ҳозирданоқ Мессининг жорий йилдаги футболчилик фаолиятига юқори баҳо берилмоқда. Буюк Британиянинг World Cokker нашри Мессини 2012 йилдаги «Жаҳоннинг энг яхши футболчиси» деб топди. Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (FIFA) ҳам Мессини йилнинг энг яхши футболчиси номинациясида асосий давогарлар қаторида қолдирган. Агар уни FIFA келгуси йилнинг 7 январь куни «Жаҳоннинг энг яхши футболчиси» деб топса, Месси тўртинчи бор кетма-кет бу унвонга муносиб кўрилган ягона футболчи бўлади.

**Асрор МЎМИН**









Реклама

ЎЗБЕКИСТОН ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни яқинлашиб келаётган Янги — 2013 йил билан муборакбод этади!

Мамлакатимизда тинчлик, хонадонларимизда тотувлик, қалбларимизда шукроналик ва келажакка ишонч туйғулари абадий бўлсин!

Она Ватанимиз равнақи йўлида қилаётган барча эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

2013

ASIA ALLIANCE BANK

«ASIA ALLIANCE BANK»

очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси

юртимиз аҳолиси ва меҳмонларини кириб келаётган Янги йил билан табриклайди.

Обод турмуш йилида барчага сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт-саодат тилаймиз!

«ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ»

ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

ватандошларимизни Янги йил билан қутлайди.

ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ ҲАМИША ТЎКИН, ТУРМУШИ ФАРОВОН БЎЛСИН!

Реклама







Эълон

# Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида ташкил этилган иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлаш бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги 1438- ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги 1474-сон Қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:

**Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Ўзбекистон Банклари уюшмаси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун**

## БУЮРТМАНОМА

1.______________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
______________________________________

2.______________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
______________________________________
______________________________________

3.______________________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4.
Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.
Ташкилот раҳбари

/
______________________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

*2- илова*

Инвестиция таклифининг

## НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;

2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:

номи ва реквизитлари;

асосий фаолият тури;

асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.

3. Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона(мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:

корхонанинг номи ва реквизитлари;

асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;

охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);

умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;

мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;

кадрлар потенциали.

4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:

4.1. Маркетинг:

ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;

дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;

мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);

маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.

4.2. Ишлаб чиқариш:

лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;

зарур бўладиган ходимлар сони.

4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:

инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.

4.4. Молиялаштириш:

лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;

объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;

лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.

5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:

кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;

экспорт ҳажми.

*3- илова*

Инвестиция таклифининг

## ПАСПОРТИ

______________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| № п/п | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

Реклама







**MUASSIS:**
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY’ATI:**
Abdulla ORIPOV, Latif G‘ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

*Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246
9458 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5